

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020. Ped.113.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРҚЎЗИЕВА МАНЗУРА АБДУРАХМОНОВНА**

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА  
КАСБИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Норқўзиева Манзура Абдурахмоновна**

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини  
шакллантириш ..... 3

**Норкузиевой Манзуры Абдурахмоновны**

Формирование профессиональной устойчивости будущих учителей в  
педагогической деятельности ..... 23

**Norkuzieva Manzura Abdurakhmonovna**

Formation of professional stability of future teachers in pedagogical activity..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020. Ped.113.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРҚЎЗИЕВА МАНЗУРА АБДУРАХМОНОВНА**

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА  
КАСБИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Ped914 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Жиззах давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.jdpu.uz](http://www.jdpu.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шарипов Шавкат Сафарович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мардонов Шукрулло Қўлдошевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Маҳмудова Муяссар Маҳмудовна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қўқон давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Жиззах давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020. Ped.113.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси.4. Тел.: (872) 226-13-57, 226-21-73, факс: (872) 226-46-56; e-mail: [jdpu\\_info@umail.uz](mailto:jdpu_info@umail.uz) Жиззах давлат педагогика университети. Бош ўқув бино, 2-қават, маърузалар зали

Диссертация билан Жиззах давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4-уй. Тел.: (872) 226-13-57; 226-21-73 факс: (872) 226-46-56.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**О.Х.Туракулов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
Кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Н.Х.Кушвақтов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
Кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**Х.А.Мелиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
Кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.н., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё таълими тизимида таълим олувчиларнинг самарали ва сифатли фаолияти учун зарур бўлган касбий тайёргарлигини шакллантиришнинг ижтимоий механизмлари таълим жараёнига жорий этилган. ЮНЕСКОнинг «Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш» дастурий хужжати (1995), БМТнинг «XXI асрда олий таълим: ёндашув ва амалий чоралар», Бутун жаҳон декларацияси (1998), Европа ОТМ таълим сифатининг бир хиллигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Болония декларацияси (1998), замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўқитишнинг жаҳон таълими андозаларига мос энг илғор услубларини жорий этиш, таълимни рақамлаштириш муҳотида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълими ва тадқиқот муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантириш замонавий педагогик тараққиётнинг глобал масаласи ҳисобланади. Айни пайтда бўлажак ўқитувчиларнинг онгида педагогик фаолиятга касбий барқарорликни сингдириш рақамли таълим тизимида замонавий ва истиқболли меҳнат бозори талабларининг таълимий ахборот инфраструктураси базасини касбий фаолиятга алоқадор параметрлар доирасида ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Замонавий таълим жараёнларида педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида жаҳон замонавий талаблари асосида таълим сифатини ошириш, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш, педагогика олий таълим муассасаларида замонавий таълим ресурсларини яратиш, педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантириш тизимини халқаро малака талаблари асосида ташкил этиш ва кредит-модулли технологияларига асосланган таълим жараёнларини такомиллаштиришнинг меъёрий асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимда: «Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали **Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс** пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгилаб олдик. Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз... Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуниси, деб ҳисоблаймиз... Фарзандларимиз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса,

юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт тармоқлари шунча тез ривожланади, кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиш имкони туғилади... Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак. Бундай устозлар кўлида таълим олган фарзандларимиз биз орзу қилган Ўзбекистоннинг ёруғ келажагини бунёд этишга қодир авлод бўлиб камол топади»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида «юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, олий таълим муассасаларида компетентли илмий-педагогик кадрлар захирасини яратиш» каби устувор вазифалар белгиланди.<sup>2</sup> Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши жараёнида бугунги таълимни рақамлаштириш муҳитида педагогик фаолиятга касбий барқарорлигини шакллантириш бўлажак ўқитувчиларда интеллектуал билимлар захирасини пухта эгаллаш, таълим соҳасида барқарорлик кўникмалари ва малакаларини ошириш орқали мутахассисликка оид педагогик фаолиятга барқарорликни шакллантиришнинг педагогик имкониятлари кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги, 2017 йил ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил ПҚ-4699-сон «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил ПҚ-4623-сон «Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил ПФ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон 30» дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармон ва қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

<sup>1</sup> <https://iv.uz/oz/news/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oqituvchi-va-murabbiylar-kuniga-bagishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари рисола. –Т.: 2017. – Б. 70-71.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Олий таълим тизимида инсон тафаккурини ривожлантиришнинг фалсафий, педагогик-психологик жиҳатлари, талабаларнинг миллий, маънавий, ахлоқий, валеологик, ижодий, бадий ҳамда инновацион тафаккурини ривожлантириш масалалари юзасидан Ж.Туленов, Н.Жўраев, М.Давлетшин, В.Каримова, Г.Туленова, Г.К.Тўлаганова, Ғ.Шоумаров, Т.Қурбонов, У.Бегимқулов, О.Мусурмонова, Б.Адизов, Ш.Мардонов, Ш.Шарипов, О.Жамолдинова, Ж.Жалолов, Т.Аҳмедовлар тадқиқот ишларини олиб боришган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик қобилиятларини ривожлантиришнинг миллий модели Ш.Қурбонов, У.Иноятлов, Э.Сейтхалилов, Ш.Шарипов, Э.Юзликаеваларнинг илмий ишларида қай даражада ўз аксини топганлиги ўрганилди.

Бўлажак ўқитувчиларни таълим-тарбия жараёнига тайёрлашнинг фалсафий-методологик жиҳатлари, Ж.Туленов, Н.Жўраев, Г.Туленова, Т.Қурбонов сингари олимларнинг илмий ишлари, монография ва ўқув қўлланмаларида чуқур таҳлил этилганлиги ўрганилган.

Психолог олимлардан Л.Рубинштейн, М.Давлетшин, Э.Ғозиев, В.Каримова, Л.С.Выготский, Г.К.Тўлаганова, Н.И.Хўжаева, А.У.Шоюсупова, Ў.Б.Шоумаров кабилар томонидан муаммонинг психологик жиҳатлари ўрганилганлиги таҳлил қилинган.

Педагог олимлардан У.Ш.Бегимқулов, Ш.Шарипов, О.Мусурмонова, З.Т.Нишонова, Б.Адизов, Қ.Йўлдошев, Ш.Мардонов, Н.Эгамбердиева, Ш.Шодмонова, О.Жамолдинова, В.А.Сластенин кабиларнинг илмий изланишларида мустақиллик, миллий, маънавий-ахлоқий, касбий, бадий, инновацион тафаккурни ривожлантириш масалаларининг қай даражада ўзига хос жиҳатларини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилганлиги асосланган.

Бўлажак ўқитувчиларда касбий билим ҳамда кўникмаларни шакллантириш муаммолари М.А.Захарова, П.Б.Зилберман, Ф.Г.Зиятдинова, Н.А.Муслимов, А.Р.Ходжабоев, Н.Ш.Шодиев, Н.М.Эгамбердиева, Ж.Ҳамидов, О.Х.Тўрақулов, Б.Рахимов ва бошқа шу каби олимларнинг илмий тадқиқотларида турли даражада ўрганилган.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги:** Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режаларининг «Педагогика фанининг долзарб муаммолари ва таълимни технологиялаштириш» номли мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришнинг назарий-амалий тизимини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарор мослашув характерини очиб берувчи компонентлар мазмунини аниқлаштириш;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантиришнинг ташкилий, ахборот ва телекоммуникацион

таъминотининг педагогик имкониятларини кенгайтириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш;

бўлажак ўқитувчиларда касбий фаолиятга барқарорлигининг ривожланганлик даражасини диагностик методлар ёрдамида баҳолаш ва мониторингини амалга ошириш;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантириш моделини яратиш ва уни такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантириш жараёни танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантиришнинг педагогик омиллари ва инновацион технологияларини қўллашнинг шакл, метод ва воситалари танланган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишини олиб боришда муаммога оид сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; таълимга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва адабиётларни ўрганиш; олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, анализ ва синтез, ижтимоий сўровнома, социометрик методлар, педагогик эксперимент натижаларини математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантиришнинг барқарор мослашув характерини очиб берувчи мотивацион, функционал, психологик, ҳиссий компонентлар субъектлар муносабатлари, йўналишлар таснифи, натижалар самарадорлиги омилларига устуворлик бериш орқали аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантиришга таъсир этувчи омиллар ахборот ва телекоммуникацион таъминотнинг педагогик имкониятлар таъсирини, педагогик вазиятлар, педагогик ҳодисалар реал воқелик асосида кўрсатиш ва таҳлил қилиш орқали кучайтириш ҳамда функционал вазифаларини тизимлаштириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигининг ривожланганлик даражасини баҳолаш компонентлари субъектив баҳолаш, объектив баҳолаш, мазмунни баҳолаш, баҳолаш воситаси, баҳолаш шкаласи, баҳолаш стереотипини аниқлаштириш асосида жараён мониторинги амалга оширилганлиги такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантириш модели педагогик барқарорликнинг ривожланиш даражасини ташхислаш компонентлари интегратив мувофиқлаштириш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топган:

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантириш даражасини диагностика қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;



бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантиришда инновацион технологияларни ўқув жараёнида самарали қўллаш модели ишлаб чиқилган;

педагогик туркум дарсларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантириш жараёнида инновацион технологияларни қўллашга доир услубий дидактик таъминоти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашувлар ва методларнинг илмий-услубий асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик усуллар воситасида аниқлаштирилганлиги, хулоса, тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инновацион ёндашувнинг асосланганлиги, педагогик туркум дарсларида инновацион технологияларни қўллашнинг педагогик моделининг илмий асосланганлиги, ўқув фанлари мазмунининг илғор халқаро ва миллий тажриба асосида илмий-назарий бойитилганлиги ҳамда талабаларни педагогик туркум мавзуларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантиришга асосланган таълим муаммолари (маънавий, психологик, коммуникатив, бадий-ижодий) комплекс ечимининг самарали усули сифатида очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар, умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича такомиллаштирилган малака талаблари, фан дастурларини ишлаб чиқишда таълимий-тарбиявий фаолиятга тайёрлашга доир компетенцияларнинг аниқлаштирилганлиги; дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда таълимий-тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда замонавий ёндашувларнинг самарали механизмлари такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак ўқитувчиларда касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантиришнинг барқарор мослашув характерини очиб берувчи мотивацион, функционал, психологик, ҳиссий компонентлар субъектлар муносабатлари, йўналишлар таснифи, натижалар самарадорлиги омилларига устуворлик бериш орқали аниқлаштириш бўйича маълумотлар ЁА–1-22 рақамли «Фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологияларнинг модернизациялашган тизимини ишлаб чиқиш» номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 18 майдаги 02-07-1351/04-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчиларнинг касбий

фаолиятга барқарор мослашув характери очиб берувчи компонентлар мазмунини аниқлаштириш имкони яратилган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантиришга таъсир этувчи омиллар ахборот ва телекоммуникацион таъминотнинг педагогик имкониятлар таъсирини, педагогик вазиятлар, педагогик ҳодисалар реал воқелик асосида кўрсатиш ва таҳлил қилиш орқали кучайтириш ҳамда функционал вазифаларини тизимлаштириш асосида такомиллаштиришга доир маълумотлар ПЗ-20170923121 рақамли «Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш» номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни амалий бажаришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 18 майдаги 02-07-1351/04-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантиришнинг ташкилий, ахборот ва телекоммуникацион таъминотининг педагогик имкониятларини кенгайтириш ҳамда уларнинг самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришга шароит яратилган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигининг ривожланганлик даражасини баҳолаш компонентлари субъектив баҳолаш, объектив баҳолаш, мазмунни баҳолаш, баҳолаш воситаси, баҳолаш шкаласи, баҳолаш стереотипини аниқлаштириш асосида жараён мониторинги амалга оширилганлиги такомиллаштирилганлиги бўйича тавсиялар ЁА-1-22 рақамли «Фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологияларнинг модернизациялашган тизимини ишлаб чиқиш» номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 18 майдаги 02-07-1351/04-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигининг ривожланганлик даражасини диагностика методлар ёрдамида баҳолаш ва мониторингини амалга оширишга эришилган.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантириш модели педагогик барқарорликнинг ривожланиш даражасини ташхислаш компонентлари интегратив мувофиқлаштириш орқали такомиллаштиришга доир маълумотлар ПЗ-20170923121 рақамли «Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш» номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни амалий бажаришда фойдаланилган. Жиззах давлат педагогика университети, Чирчиқ давлат педагогика институти, Бухоро давлат университетларида таълим-тарбия жараёнида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 18 майдаги 02-07-1351/04-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга барқарорлигини шакллантириш моделини такомиллаштиришга имкон яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 7 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 боб, умумий ҳулоса, 117 саҳифа матн, 10 та расм, 14 та жадвал, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан, иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлиги баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этирилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятига барқарорлигини шакллантиришнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи боби уч бўлимдан иборат бўлиб, унинг биринчи бўлими *«Ўқитувчилик касбида барқарорликни шакллантириш муаммосининг мавжуд ҳолати»* муаммосига бағишланган.

Педагогика олий таълимида бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантиришда кўплаб таълимий ва тарбиявий воситалардан кенг фойдаланиш орқали уларда барқарорликни шакллантириш жараёни амалга оширилади. Масалан, бўлажак ўқитувчиларга тушунчалар устида ишлаш, амалий машғулотларни бажариш, нутқ бойлигини ошириш, мимик ва пантомимик ҳаракатлардан ўз вақтида фойдалана олиш, болалар билан ишлаш, ўқув ва педагогик амалиёт жараёнларида мактаб ҳаётига мослаштириб бориш кабилар.

Талабаларни касбда барқарор фаолият олиб боришга йўналтириш масаласи анча мураккаб ва кўп қирралидир.

«Барқарорлик»-ташқи таъсирда тизимнинг ҳозирги ҳолатини сақлаб туриш қобилияти. Агар ҳозирги ҳолат сақланиб қолмаса, унда бундай ҳолат беқарор деб аталади ва турли соҳаларда қуйидаги маъноларни билдиради:

- Макроиктисодиётда барқарорлик деганда ресурслардан фойдаланиш ва инсоният жамияти ривожланиши ўртасидаги узок муддатли мувозанат тушунилади.

- Метеорологияда ҳаво барқарорлиги ҳаво оқимларининг вертикал ҳаракатини билдиради.

- Механикада барқарорлик-бу структуранинг ташқи кучлар таъсирида мувозанатнинг берилган шаклини сақлаб туриш хусусияти

- Муҳандислик соҳасида барқарорлик дизайн ва иш параметрларининг қийматларини белгиланган чегараларда ушлаб туриш учун техник тизимларнинг мулки сифатида аниқланади.

Фалсафада эса барқарорлик доимийлик, бир ҳолатда қолиш; бунинг акси-ўзгариши тушунилади.

Психологияда барқарорлик психологик барқарорлик тушунчасида ўз ифодасини топади. Психологик барқарорлик-бу шахснинг сифати, унинг индивидуал жиҳатлари қатъийлик, мувозанат, қаршилик. Бу инсонга ҳаётий қийинчиликларга, вазиятларнинг салбий босимига дош беришга, соғлиғини сақлашга ва турли синовларда ишлашга имкон беради.

Социологияда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал Шартномаси ижтимоий барқарорликка қўйидагича таъриф беради: «Ижтимоий барқарорлик тадбиркорлик фаолиятининг одамларга ижобий ва салбий таъсирини аниқлаш ва бошқаришдир».

Барқарорлик-узок муддатли безовта қилувчи омилларнинг кенг доирасидаги қаршиликларнинг умумийлиги ва омон қолиш шароитида, тизимнинг оқилона тузилиши ва мақсадли қарама-қаршилик шароитида ишлаш қобилиятидир.

Барқарорлик, ва ўзгармаслик-бу ўзгарувчанликнинг йўқлиги эмас, аксинча, улар ўзгарувчанликка асосланади (И.И.Шмалгаузен). Бу қарама - қарши туюлиши мумкин, аммо барқарорлик доимийлик ва динамиканинг комбинациясини ўз ичига олиши керак.

Биринчи марта шахснинг «касбий барқарорлиги» концепцияси 1965 йилда К.К.Платонов томонидан киритилган ва у буни касбий йўналишнинг интенсивлиги, самарадорлиги ва барқарорлиги намоён бўладиган шахсий хусусият сифатида тушунган.

Олий таълим тизимида талабаларни касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш ва унинг барқарорлигини шакллантириш муаммолари билан кўплаб олимлар шуғулланиб келишмоқда. Олий таълимда ўқитувчи шахсини шакллантириш ва бўлажак ўқитувчиларда ўз-ўзини бошқариш асосида ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва касбий шаклланганликни ташхислаш масалалари М.А.Абдуллажонов, О.А.Абдулина, А.А.Акбаров, Х.А.Абдурахманова, С.В.Сафоноваларнинг тадқиқотларида ўрганилган. Ўқитувчининг касбий маҳоратини тадқиқ қилган педагог олимлар Ҳ.Абдукаримов, Н.Азизхўжаева, А.Алиев, Ю.А.Ахроров, А.А.Вербицкий, Р.Ҳ.Жўраев, Б.Р.Жўраева, Ж.Ғ.Йўлдошев, С.М.Маркова, Г.М.Махмутова, Л.М.Митина, А.Г.Морозов, У.Н.Нишоналиев, М.Очилов, Б.Рахимов, Н.Саидахмедов, В.А.Сластёнин, Ў.Толипов, А.Р.Ходжабоев,

А.А.Холиқов, Н.Шодиев, О.Ҳайдарова, А.А.Ҳамидовларнинг илмий ишларида ўқитувчининг педагогик маҳорати, ўқитувчининг замонавий инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш имкониятлари шу билан бир қаторда бўлажак ўқитувчиларнинг дунёқарашлари, коммуникатив мулоқот маданиятини янада ривожлантириш масаласининг йўллари ва усуллари тадқиқ этилган.

А.А.Бодалев, Е.М.Иванова, Э.Ғозиев, М.Г.Давлетшинлар ўқитувчи шахсини касбий тарбиялашнинг психологик ва психофизиологик жиҳатларини ёритиб берган. В.Адольф, И.Зимняя, А.Карабаева, Н.Кузьмина, Н.Муслимов, Ш.Шариповлар ўқитувчининг касбий компетентлигини шакллантириш муаммосини ўрганган.

«Мутахассис шахсининг касбий етуклиги қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин: 1) касб билан боғлиқ маънавий кадрият тизимини тушуниш; 2) тажриба орттириш ва шахсий тажрибани таҳлил қилиш; 3) намунавий мутахассиснинг адекват моделини қабул қилиш ва унга ўхшаш учун ўз устида ишлашга интилиш; 4) олдинга қўйилган мақсадга эришиш учун шахсий куч ва ресурсларни максимал даражада сафарбар этиш; 5) меҳнатдан қониқиш ҳиссининг пайдо бўлиши; 6) ўзини ўзи ривожлантиришга интилиш. 7) шахс хулқида бузилишларнинг мавжуд эмаслиги; 8) шахс организми ва психикасининг функционал имкониятлари ва уларнинг касбий талабларга мувофиқлик даражаси ҳақидаги тасаввурларга эга бўлиш ва бошқалар».

Адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, компетентлик ва компетент ёндашувнинг мазмуни ва таърифлари, шунингдек, замонавий ўқитувчининг касбий сифатлари кенг тадқиқ этилган. Бироқ олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш жараёнини ташхис қилиш тизими, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришга инновацион ёндашувнинг мазмуни, шакл, метод ва воситаларининг касбий барқарорликни шакллантиришдаги имкониятлари етарли даражада ўрганилмаган.

**Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда педагогик барқарорликни биз-таълим тарбия жараёнида фаолият олиб бораётган педагогларнинг ўз касбида юксак маънавий эътиқод билан узоқ йиллар самарали фаолият олиб бориш жараёни деб изоҳладик.**

I бобнинг иккинчи фасли *«Педагогик касбий барқарорлигини шакллантиришнинг педагогик – психологик имкониятлари»* деб номланган бўлимида:

Бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантириш учун қуйидагиларга эътибор берилди.

Психологик барқарорлик, бу мураккаб шахсий хусусият бўлиб, унда «мувозанат, мутаносиблик, чидамлик, барқарорлик, қаршилиқ» каби хусусиятлар Н.Лебедеванинг фикри бўйича мувозанатни бузадиган ташқи ва ички омилларга қарши туриш орқали таъминланган ҳаракатчан мувозанат ҳолати сифатида талқин қилинади. Америкалик психологлар С.К.Кобаса ва Р.Пусетти чидамликни учта кўрсаткич билан тавсифлайди.

Шунингдек В.М.Писаренко, стрессли вазиятларга тушганда ҳиссий барқарорлик ҳолати меҳнат қобилиятининг ошишига олиб келади.

Л.М.Аболиннинг фикрига кўра ҳиссий барқарорлик ўз-ўзини бошқариш тизимида аниқ ҳаракат қила олади.

Талабаларнинг психоэмоционал барқарорлигининг хусусиятлари Л.М.Аболина, Б.Г.Ананева, Ю.С.Бобоҳон, Н.В.Витт, М.И.Дяченко, П.Б.Зилберман, Д.В.Иванова, О.О.Косякова, В.М.Писаренко, В.А.Пономаренко ва бошқаларнинг асарларида аспектли кўриб чиқилган.

Лазарев Максим Александрович, Стукалова Ольга Вадимовна, Темиров Таймураз Владимирович илмий асарларида қайд қилинган. Шу муносабат билан З.К.Каргиева касбий барқарорликни аниқлаш учун бир нечта омилларга тўхталади:

- университетда ўқиш давридаги ўқув ва когнитив фаолиятнинг муваффақияти;

- ўқитувчилик касбидан маънавий қониқиш;

- педагогик фаолиятда ташкилий-коммуникатив компонентларни мажбурлаш даражаси, шунингдек, касбий-педагогик йўналиш.

Бизнинг фикримизча, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини оширадиган омиллар:

- ўзи танлаган касби орқали ўзини ҳурмат қилиш;

- ёшларга таълим - тарбия беришга қизиқиш;

- таълим жараёнларига онгли ёндашув қобилиятини ривожлантириш;

- миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда касбга ёндашув каби бошқа олимларнинг касбий барқарорликга оид фикр-мулоҳазалари ўрганилган ва шарҳланган.

Биринчи бобнинг учинчи бўлими «Талабаларнинг педагогик касбда барқарор фаолиятини таъминлашга замонавий ёндашув» деб номланган. Маълумки, бугунги кунда педагогика олий таълим муассасалари ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, талабаларни замон талабларига мос равишда шакллантириш учун аниқ манзилли лойиҳалар, дастурларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Мутлақо янгича талаб ва ёндашув асосида олиб борилаётган ишлар мавжуд педагогик ресурс ва имкониятларидан оқилона фойдаланиш бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантириш мақсадини кўзлайди.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>3</sup> қарори билан олий маълумотли кадрларни тайёрлаш ва уларнинг қўнимлигини таъминлашнинг мақсадли мезонларини шакллантириш, бўлажак ўқитувчиларнинг ўзлари танлаган ихтисослик йўналишларига оид жорий этилаётган дастурларнинг талаб ва эҳтиёжлари, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ҳудудларни комплекс тараққий топтириш истиқболларини инобатга олган ҳолда касбий барқарорликни шакллантириш тизимини янада такомиллаштириш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 20.04.2017 й. ПҚ – 2909 “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Халқ сўзи. 2017 й. 21.04.

Педагогика олий таълим тизимига бундай ёндашувлар меҳнат бозорида, педагогик ислохотлар жараёнига мослашувчанлигини ошириб, тизимда самарадорликни юксалтиришнинг муҳим шартини бўлиб хизмат қилади. Боб охирида хулосалар берилди.

Тадқиқотнинг «*Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятида касбий барқарорлигини шакллантириш технологияси*» деб номланган иккинчи боби уч фаслдан иборат.

«*Касбий барқарорликни шакллантиришнинг педагогик тизими*» деб номланган биринчи фаслида бўлажак ўқитувчининг касбий барқарорлигини шакллантиришнинг педагогик тизими ҳақида маълумотлар берилган.

Тизим (система-грекча systema-қисмлардан тузилган, бирлаштирилган) маълум бир яхлитликни ҳосил қилувчи, бир-бири билан маълум бир муносабат ва боғланишларда бўлган элементлар мажмуаси тушунилади. «Педагогик тизим» тушунчаси тизим ва педагогикадан иборат таркибий компонентларга асосланади. Шунинг учун ҳам тадқиқот жараёнларида компонентлар талқинига мурожаат этилди.

Тизим тушунчасининг кўплаб таърифлари бор Л.Фон Берталанфи тизимни «атроф-муҳит ва бир-бирлари билан маълум муносабатларда бўлган қисмлар комплекси» деб қарайди. Яратилган шарт-шароитлар бўлажак ўқитувчиларда касбий барқарорликни шакллантиришга амалий ёрдам беради.

«*Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш моделини амалиётга жорий этишда мустақил фикрлаш малакасини шакллантириш технологияси*» деб номланган иккинчи фаслида, касбий мустақил фикр юритишни шакллантириш бўлажак ўқитувчилардан катта педагогик иродавий кучни талаб этилиши борасида фикр юритилган. Бўлажак ўқитувчилар: «Нимани билишим керак?», «Педагогик вазифалар нима ва уларни қандай бажариш керак?», «Педагогик жараёндаги зиддиятларни қандай ҳал қилиш мумкин?», каби саволларга ечим топиб борганлиги ёритилган.

Талабаларда мустақил фикрлаш кўникмаларини илмий-услубий жиҳатдан тўғри ва самарали шакллантириш усуллари аниқлаштирилди. Талабаларнинг касбда барқарор фаолият олиб боришга ишончи ошди. Талабаларда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш уларда яратувчилик аҳамият касб этади. Ёшларни баркамоллик фазилатлари билан шакллантириб бориш ҳар қачонгидан ҳам долзарб эканлигига эътибор қаратилди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда педагогика, психология ва технология фанларининг назарий асосларини чуқур эгалламай туриб талабаларда мустақил фикрлашни шакллантириш вазифасини муваффақиятли ҳал қилиб бўлмайди деган хулосага келинди. Шунинг учун ҳам талабаларда мустақил фикрни янада ривожлантиришда «Мустақил фикр» технологиясидан фойдаланиш самара берди.


«Мустақил фикр» технологияси бу кичик гуруҳларга мўлжалланган бўлиб, у амалий, семинар дарсларида ва гуруҳлар ўртасида мусобақа тадбирларида ўтказишга мўлжалланган бўлиб, у ёшларни фаолликка, ҳаётга

реал қарашга, фикрни тинглашга, ташаббускорлик фазилатларини намоён қилишга йўналтирилган технологиядир. (Муаллифлик технологияси).

Шуни инобатга олган ҳолда тадқиқот жараёнларида мустақил фикр тушунчасига қўйидагича изоҳ беришни маъқул деб топдик.

Мустақил фикр – ўз илмий, маънавий билимларига таянган ҳолда бирор нарса, ҳодиса ёки кимса ҳақида олға сурилаётган масалага ўз муносабатни билдирадиган хулоса. (Муаллифлик тушунчаси)

«Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш Модели» деб номланган фаслида касбий барқарорликни шакллантириш касбий барқарорликни шакллантириш жараёнида амалга ошириладиган билим, кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлиши учун зарур деб ҳисобланган барча компонентлар ўрганилиб таҳлил қилинди. Моделда қайд этилган тушунчаларга изоҳ берилган.



**1-расм. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш модели**

Диссертациянинг учинчи боби «*Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга касбий барқарорлиги шаклланганлигини аниқлаштиришда математик – статистик таҳлил*» деб номланган бўлиб бу бобда тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёни тўлиқ ёритилган. Жумладан тадқиқотнинг Биринчи – таъкидловчи босқичи (2018 - 2019 йиллар)да илмий тадқиқотнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қўйидаги ишлар амалга оширилди:



- тадқиқотнинг асосий йўналиши аниқлаб олинди;
- муаммонинг назарий ва амалиётдаги ҳолати ўрганилиб, таҳлил қилинди;
- олий педагогик таълим муассасаларида «Умумий педагогика» курсидаги таълим-тарбия жараёнида касбий барқарорликни шакллантириш технологиясидан фойдаланиш ҳолати ўрганилиб чиқилди ва таҳлил этилди;
- режалаштирилган олий педагогик таълим муассасаларида тажриба-синов ишини ўтказиш учун моддий-техник, илмий-услубий негиз (база) ва педагогик шарт-шароитлар мавжудлиги ўрганилди;
- тажриба-синов иши ўтказиш учун зарур бўлган материаллар тайёрланди;
- режалаштирилган олий педагогик таълим муассасаларидаги ўқитувчилар тажриба-синов ишини ўтказишга тайёрланди.

Ўтказилган сўровномалар ва суҳбатлар натижасида қуйидагилар аниқланди:

- узлуксиз педагогик амалиёт бошида 60% талабалар ўқитувчи бўлиш истаги борлигини билдиришди.
- ўқитувчи бўлишни умуман истамаганлар 10% ташкил қилди.
- олий педагогик таълим муассасаларидаги биринчи курс талабаларининг 80% касбий барқарорлик ҳақида батафсил маълумотга эга эмас;
- олий педагогик таълим муассасаларида иккинчи курс талабаларининг 74% касбий барқарорлик ҳақида батафсил маълумотга ва фалсафий-педагогик ҳамда педагогиканинг анъанавий мероси тўғрисидаги тасаввурларга эга эмас;
- олий педагогик таълим муассасаларида учинчи курс талабаларининг 60% касбий барқарорлик ҳақида батафсил маълумотга ва бу борадаги илғор педагогик ғоялар тўғрисидаги тасаввурларга эга эмас;

Шундан кўриниб турибдики, олий педагогик таълим муассасаларида талабаларининг аксарият қисми касбий барқарорлик ҳақида батафсил маълумотга ва фалсафий-педагогик ҳамда педагогиканинг анъанавий мероси тўғрисидаги билимлари анча паст.

Иккинчи асосий-шакллантирувчи босқич (2019-2020 йиллар)да ишлаб чиқилган таълим мазмуни ва услублари бевосита талабаларнинг педагогик амалиёти жараёнида синаб кўрилди, яъни қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- тузилган режа асосида тажриба-синов иши давом этди;
- тажриба-синов иши давомида тадқиқотни кузатиш натижасида зурурат туғилганда уларга айрим тузатишлар (ростлашлар) киритилди ва бунда асосан тажриба-синов ишининг мақсади, мазмуни ҳамда уларни амалиётга жорий этиш методикасига эътибор берилди;
- тажриба-синов ишидан олинаётган жорий ва оралик натижалар мунтазам равишда миқдор ва хам сифат жиҳатдан таҳлил қилиниб борилди ва заруратга қараб, айрим ўзгартишлар киритилди. Бу айниқса, касбий барқарорликни шакллантириш жараёнларида педагогик-психологик фанларни ўзлаштиришда яққол сезилди;

